

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 12 апрель сешанба № 14-15 (741-742)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

Миллий Дастур

Ислон КАРИМОВ:

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир.

Болалар уйсиз қолмайди

Қарор ва ижро

Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тураржойларининг сақланишини назорат қилиш тартиби хусусида

МАМЛАКАТИМИЗДА етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни тураржойлар билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 2 августда "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

МАЗКУР қарорга мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган бўлиб, унга қўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун мўлжалланган муассасаларга, оилавий болалар уйлари, фарзандликка олган оилаларга, васийлик ёки ҳомийларга юборишда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича турар жойини болада сақлаб туриш катта ва бошқа тураржойга бўлган ҳуқуқни таъминлаш тартиби белгиланди.

Тураржойга бўлган ҳуқуқларнинг таъминланишини амалга таъбиқ қилишни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 31 декабрдаги қарорларига асосан Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тураржойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидалари тасдиқланди. Бу қоидалар Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди.

Хусусан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобидаги тураржойнинг сақлаб турилиши юзасидан назорат етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Ана шундай болаларнинг сақлаб туриш учун топширилган тураржойлари, агар ушбу тураржойда болаларнинг оила аъзолари яшаш учун қолмаган бўлса, ушбу тураржойлар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларда, бошқа таълим муассасаларида, оилавий болалар уйларида, фарзандликка олган оилаларда, васий (ҳомий) қарамоғида бўлган тўлиқ даврида, шунингдек, Қуролли Кучлар таркибида хизматни ўташ даврида ёки озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлган даври мобайнида бошқа фуқароларга ижарага берилиши мумкинлиги белгиланди.

Шу билан бирга, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойлари белгиланган талаблар бўйича сақланишини назорат қилиш мақсадида турар жойларни бир йилда камида икки мартаба жойига бориб ўрганиш талаби ўрнатилди.

Тураржойларни сақлаш бўйича белгиланган мажбуриятларга риоя этилмаётганлиги юзасидан муносабатлар келиб тушса, васийлик ва ҳомийлик органлари турар жойининг сақланиш ҳолатини зудлик билан ўрганиш талаб қилинади.

Жамол АЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

2000 йил 21 сентябрь
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори кучга кирди.

2010 йил 30 сентябрь
Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни амалга киритилди.

2011 йил 17 январь
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.



Ҳуқуқ билимдонлари Навбат Гулистон ва Тошкентга

БИР НЕЧА йилдан буйн Адлия вазирлиги ташаббуси билан республикада ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари" кўноқлар ва зукколар республика беллашуви ўтказиб келинмоқда.

"Ҳуқуқ билимдонлари — 2011" танловининг навбатдаги ҳудудлараро босқичини Хоразм вилоятининг "Эвристика" ҳамда Сурхондарё вилоятининг "Адолат" жамоалари давом эттиришди. Урганч шаҳридаги Огаҳий номли драма театри биносидан бўлиб ўтган беллашуви кизиқарли ва мurosасиз кечди.



Айниқса, ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил ноябрь ойида ўтказилган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси,

шунингдек, 2011 йил 7 февраль кунги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ҳамда унинг асосида қабул қилинган Давлат дастури моҳияти юзасидан тайёрлаган чиқишлари ҳакамлар ҳайъати ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Беллашув натижаларига қўра, Хоразм вилоятининг "Эвристика" жамоаси голиб деб топилиб, финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Голиб ва иштирокчиларга Адлия вазирлиги ва ҳамкорларнинг I, II даражали дипломлари ҳамда кимматбаҳо совғалар топширилди. Бундан ташқари, голиб иштирокчиларга Адлия вазирлиги томонидан яратилган ҳуқуқий адабиётлар тарқатилди.

Беллашувнинг кейинги ҳудудлараро босқичи жорий йилнинг апрель ойи давомида Гулистон ва Тошкент шаҳрида бўлади. Финал босқичи эса 30 апрель кунин Наманган шаҳрида ўтказилади.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Долзарб мавзу!

Гени ўзгартирилган маҳсулот инсон соғлигига хавф солади...ми?

ёхуд балиқ билан "чатиштирилган" помидор, қўнғиз билан "қариндош" картошка... ва бошқалар хусусида



КЕЙИНГИ йилларда лутаимизда "одам савдоси", "оммавий маданият", "ахборот ҳуружи", "кибертеррорчи", "генетик ўзгартирилган организмлар ва маҳсулотлар" каби бир қатор ибора ва тушунчалар пайдо бўлдики, уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш, таҳлил қилиш, муносабат билдириш мумкин. Бугун улардан бири — "Генетик ўзгартирилган организмлар ва маҳсулотлар" ҳақида биология фанлари доктори, профессор, экологик хавфсизлик халқаро фанлар академияси академиги Абдуқодир ЭРҒАШЕВ билан мулоқот қилдик.

"Ахборот асри"нинг ахборот ўйинлари

Глобаллашув панасидаги ташқи мафкуравий таҳдидлар

БУГУНГИ КУНДА ҳаётнинг ўзи шунинг кўрсатмоқдаки, цивилизация ривожини нечоғлиқ муқаррар бўлса, глобаллашув ҳам шу каби тайиндир. Цивилизацияга юз тутган ҳеч бир мамлакат йўқки, хорижий инвестиция, юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини мамлакатга жалб қилиб, ўз халқининг турмуш даражасини оширишга интилмаган бўлсин.



3

6

Сир эмас, бугунги глобаллашув жараёнларида ҳар қандай давлатнинг салоҳияти унинг нечоғли ахборотга эгалиги, ахборот тизимини қай тарзда йўлга қўйгани билан белгиланмоқда. Шу билан бирга, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва онг-тафакруни йўналтирувчи, шакллантирувчи куч сифатида баҳолашмоқда. Айни шу нуктага назардан қараганда, мамлакатимизда ҳар қимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги Конституциямизнинг тегишли моддалари билан мустаҳкамланиб, ҳар қимнинг ахборотга бўлган ҳуқуқ ва эркинликлари "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги ва бошқа ўнга яқин қонун ҳужжатлари билан кафолатлаб қўйилган.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузада тақлиф этилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, ахборот олишнинг эркин ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги принципларини амалга ошириш, соҳада бозор механизмларини янада такомиллаштириш ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари айни вақтда Концепцияда баён этилган соҳага оид қонунлар лойиҳаси устида фаол иш олиб боришмоқда.

Таҳририят томонидан ташкил этилган давра суҳбатида депутатлар бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Куйда ана шу давра суҳбатини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



Абдурашид ЖУРАБОВ, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси:

— Юртбошимиз 2010 йилнинг 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этган Концепцияда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласини белгилаб бергани бежиз эмас. Эътиборга молик жиҳати, мазкур Концепцияда соҳа раёнага хизмат қилувчи бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Президентимиз томонидан тақлиф этилган ушбу қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ҳаётга жорий этиш, ўз навбатида, бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланиши, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини ва мустақиллигини амалда таъминлаш, уларнинг том маънода «тўртинчи ҳокимият»га айланишлари йўлида барқарор қонуний асос сифатида хизмат қилиши табиий.

Концепцияда, энг аввало, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш зарурати кун тартибига қўйилди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги қонунлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида фуқароларни ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш, уларнинг оммавий ахборот воситалари билан муносабатларини тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ бу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, биринчи навбатда, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида баҳардор қилиш, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва ОАВнинг тегишли ахборотдан кенг фойдалана олишнинг таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва унинг ҳаққонлиги принципларини амалга ошириш бўйича зарур шарт-шароитлар ҳам шакллантирилди. Утган йиллар мобайнида аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбалари, шу жумладан, уларнинг ахборот хизматлари ва веб-сайтларидан кенг фойдалана олиш таъминланди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари, веб-сайтлари орқали кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари миқдори 2,8 баробарга ошгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Бундан ташқари, аҳоли ва жамиятнинг объектив ва ҳар томонлама ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматлари ташкил этилди. Республика ОАВ вакилларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида аккредитация қилиш тартиби такомиллаштирилиб, даврий матбуот тизими янгидан яратилди. Мамлакатимизда телерадиоэшиттириш тизими ислоҳ этилиб, мустақил телерадиоканаллар ташкил этилди. Айни вақтда ҳам, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ишининг етарли бўлмаган самарадорлигига боғлиқ ҳолда, илгор ахборот-коммуникация технологияларини медиа-соҳага жорий қилиш, Интернет-ОАВни янада ривожлантириш бўйича улкан ҳажмли ишлар олиб боришмоқда.

Концепция: устувор вазифалар Демократик тамойиллар ҳаётийлиги таъминланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари таҳририят меҳмони

Ана шундай соҳавий ислохотлар тадрижий равишда давом эттирилиб, юртимиздаги демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичи, ҳозирги замон шароити ва тенденциялари ахборот соҳасини эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш бўйича қўшимча чоралар кўришни тақозо этмоқда. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоат ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ ролини янада кучайтириш, шунингдек, давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, медиа-структураларнинг ахборот хизматлари фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш муҳим омили ҳисобланади.

Айни вақтда, Президентимиз Концепцияда тақлиф этган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан Қўмитамиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввало, мазкур Қонун лойиҳасини тайёрлаш юзасидан экспертлар гуруҳи тузилиб, унга тажрибали соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар, экспертлар ва депутатлар жалб этилди. Гуруҳ томонидан мазкур йўналишдаги илгор демократик давлатларнинг қонунчилиги чуқур ва атрофлида ўрганиб чиқилиб, ҳар томонлама таҳлил этилди. Қўмитамиз томонидан қонун лойиҳасига тақлиф-мулоҳазалар олиш мақсадида қатор давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар, конференциялар ва бошқа турли хил тадбирлар ўтказилди. Қўмита ишчи гуруҳи томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизматлари томонидан "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонун назорат-таҳлил тартибига ўрганиб чиқилиб, амалдаги қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш юзасидан аниқ ва конструктив тақлифлар тайёрланди.

Ҳозирги кунда Қўмитамиз аъзолари ва экспертлар гуруҳи томонидан қонун лойиҳасини маромига етказиш устида қизгин фаолият юритилмоқда.



Шуҳрат ДЕХҚОНОВ, Қўмита аъзоси:

— Очқ эътироф этиш жоиз, телевидение ва радио бугунги кунда жаҳон ахборот майдонида энг катта аудиторияга эга оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ахборот бозорига 80 дан зиёд электрон оммавий ахборот воситаси фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 60 тасини телеканаллар ва 20 тасини радиоканаллар ташкил этади. Соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ахборот технологияларининг шиддат билан ривожлани-

ши, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни узатиш тизимига босқичма-босқич рақамли технологияларни жорий этиш самараси ўлароқ, рақамли, мобил ва интернет телевидение каби мураккаб янги медиатизилмалар ҳаётимизга кириб келмоқда.

Ушбу йўналишда тақлиф этилаётган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши телерадиоэшиттириш тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги принципларини белгилаб бериш, радиочастоталарни олиш учун ўтказилаётган танловларнинг демократик ва ошқоралигини таъминлаш, телерадиоэшиттиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш муҳим омили ҳисобланади.

Телерадиоэшиттиришлар тизими фаолияти бугунги кунга оммавий ахборот воситалари, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинмоқда.

Президентимиз ўз маърузасида мазкур соҳани мустақил кудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг қўламли равишда тартибга солишдан яхлит қонунчи кучга киритиш заруратини туғдираётганини алоҳида таъкидлади.

"Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларини белгилаб беришга, радиочастоталарни олиш учун ўтказилаётган танловларнинг демократик ва ошқоралигини таъминлаш, тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймайлик учун шароит яратиш ва бошқа бир қатор муаммоларни ечишни назарда тутди. Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун телерадиоэшиттириш соҳасидаги муносабатларни тизимли равишда тартибга солишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасига телерадиоэшиттириш субъектлари фаолиятини тартибга солишдаги бошқа қонунларда мавжуд бўлмаган бир қатор янги нормаларни киритиш кўзда тутилмоқда. Чунки, телерадиомаҳсулотлар ишлаб чиқиш ва телерадиодастурларни тарқатишнинг ҳуқуқий механизмлари, миллий эшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва принципларини белгилаш, электрон медиа бозорда соғлом рақобатни шакллантириш, ахборот маконида давлат ва жамият манфаатларини таъминлаш каби масалалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳасида телерадиоэшиттириш соҳасидаги фаолиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оммавий ахборот соҳасида

ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг асосий тамойиллари ўз аксини топиши зарур.

Хусусан, Миллий телерадиоэшиттириш тизимини шакллантириш ва самарали фаолият юритишида давлат назорати ва иштироки; ахборот эркинлиги; электрон оммавий ахборот воситаларининг эшиттиришлар ва тахририй мустақиллиги кафолатини ўрнатиш ҳамда цензурани қатъий тақиқлаш қонун лойиҳаси нормаларига киритилмоқда. Шунингдек, ҳомийлик ва рекламани тарқатишга тегишли махсус қондалар, оммавий ахборот эркинлигини қамқовчи суиистеъмол қилмаслик, электрон оммавий ахборот воситаларининг хилма-хиллиги ва рақобатини таъминлаш, тизимнинг маълум стандартларини ўрнатиш, фуқаролар ва ташкилотлар билан ҳуқуқий муносабатлар, жавобгарликнинг тегишли механизмлари ҳам белгиланмоқда.

йиллар шулар жумласидандир.

"Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда ижтимоий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга бўлган оммавий ахборот воситаларини мақсадли молиялаштириш, оммавий ахборот воситаларига давлат томонидан субсидиялар, манзилли дотациялар ва грантлар ажратиш, ижара бўйича имтиёзлар бериш каби масалаларни ҳам қонун билан тартибга солиш асосий мақсадлардан ҳисобланади. Энг муҳими, миллий оммавий ахборот воситаларининг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида қонун лойиҳасида иқтисодий, молиявий имтиёзлар ва преференциялар тизимини, шу жумладан, солиқ, боғжона, ташқи иқтисодий фаолият бўйича имтиёзлар тизимини яратиш ўз аксини топади.



Нуриддин МУРОТОВ, Қўмита аъзоси:

— Концепцияда ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларига қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш тақлиф этилди.

Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлаш, уларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш, фаолият самарадорлигини ошириш, мазкур соҳа субъектлари учун қўшимча иқтисодий имтиёзлар (преференциялар) бериш, соҳада бозор механизмларини жорий этиш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, уларнинг иқтисодий эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий муҳим ҳаракатга эга бўлган ОАВларни қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда давлатнинг ўрни ва ролини, бу соҳада мулкдор тушунчасини янада аниқ ёритиш, соҳа мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тахририятлар тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг юридик шахс сифатида ташкил этилиш шаклини белгилаш, уни молиявий жиҳатдан таъминлаш манбалари, мулкдор ёки мулкдорлар улushi, ҳомийлик ёрдамлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган даромадлар маблағларидан мақсадли фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш, ходимларга ҳақ (қўшимча ҳақ) тўлаш тартибини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ нормалар ҳам назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида журналистларнинг ижодий фаолиятини амалга оширишда ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ўз аксини топмоқда. Бу йўналишда ходимларнинг иш ҳақини белгилашда улар фаолиятининг иختисослашуви, яъни ижодий характери, интеллектуал меҳнат самарадорлиги, ижодий сафарларда бўлиш, фаолиятнинг ижтимоий муҳимлигини инобатга олган ҳолда қонуний тартибга солиш асосий ўрин тутди.



Ҳафиза КАРИМОВА, Қўмита аъзоси:

— Концепцияда мамлакатимиз фуқароларининг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар билан биргаликда устувор вазифа сифатида айнан қонун ижодкорлиги бўйича белгиланган йўналишлар фаолиятимизнинг асосини ташкил этади.

Қўмитамизнинг 2010 йил 2-яри ми ва 2011 йил 1-чорагида қонун ижодкорлиги фаолиятининг самараси сифатида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 март куни иккинчи ва учинчи ўқишда қабул қилиниди ҳамда 25 март куни Сенатда маъқулланди.

Қонун ахборот-кутубхона муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, фондини тўлдирди, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, айниқса, айрим тоифадаги фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг алоҳида шартлари белгилашни билан янада аҳамиятландирди. Ушбу норманинг киритилиши билан жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ресурсларини махсус ахборот манбаларидан олиш, иختисослашган техник воситаларни етказиб бериш ва улардан фойдаланиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратиш кафолатланади.

Қонун олдида турган асосий вазифалардан бири ахборот-кутубхона иши соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ва ахборот-кутубхона қонунчилиги асосида ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини давлат томонидан бошқариш механизминини яратишдан иборатдир.

7 та боб ва 28 та моддадан иборат ушбу Қонун республика аҳолисига кўрсатилаётган хизматларнинг янги турини шакллантириш, кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази сифатида янги маконини белгилаш, турли идораларга тегишли ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлиги бўйича муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда миллий ва жаҳон ахборот ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашда асосий ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажаради.



Раёно ГАЙИМОВА, Қўмита аъзоси:

— Концепцияда акс этган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида Юртбошимиз томонидан тақлиф этилган қонунчилик ташаббуслари келгусида оммавий ахборот воситаларининг янада тараққий этишига, миллий ахборот тизимимиз жаҳон ахборот майдонида ўзига хос ўрин эгаллашга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиши табиий.

Айни дамда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан фаол иш олиб боришмоқда.

Бунда, энг аввало, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш мuddатларини қисқарттириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатини Қўчқор НОРҚОБИЛОВ ҳамда Алимкул СУЛТОНОВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ташаббуси билан Олий Мажлис Сенати ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолияти очкилигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

рижий ривожланиш нуқтаи назаридан келиб чиқади. Шунингдек, унинг соҳадаги реал воқеалар билан мукамал ва чуқур мувофиқлаштириш теран

воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш борасида

ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди. Шу билан бирга, ушбу қонун ҳужжатининг амалга киритилиши ижро

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ички ва ташқи сиёсатнинг очиқ ҳамда ошқоралиги

МАЗКУР конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликлари вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўша мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номида маърузасида белги-ланган олти устувор йўналишлардан бири бўлган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишининг мақсади ва бу борада қабул қилиниши кутилаётган ҳуқуқ



қий ҳужжатлар аҳамиятига эътибор қаратилди. Конференция иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан илгарги сурилган мазкур Концепция чуқур таҳлилларга бойлиги, кенг қамровлиги, юртимизда кечаётган жараёнларга бутунлай янгича қараш билан ёндашилгани, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш борасида илгор ғояларнинг ўртага ташлангани билан нийоятда долзарб аҳамиятга эгаллигини алоҳида эътироф эттиди.

АЙРИМ идора ходимларининг хурмат қилиқларига ҳайрон қолади киши. Улар ўзларига берилган ваколатни суиистеъмол қилиб, ўзи хон, қўланкаси майдон қабилида иш тутадилар.

ШУНДАЙЛАРДАН БИРИ Пастдарғом туманидаги "Халқ банки"нинг Жума филиали ходими О.Тоштемуровдир. У "Элдор Хушвақт Орзу Дурдонаси" хусусий корхонасининг раҳбари А.Хушвақтовнинг савдо терминалини асоссиз олиб қўйди. Шундан кейин тадбиркор банк ходимининг ноқонуний хатти-ҳаракати ҳақида адлия идорасига мурожаат қилади.

2011 йил — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"

Фаровонлик таянчи

2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан биргана оилавий тадбиркорликни ҳам кенг ривожлантиришга муҳим асос бўлди.



МАЗКУР соҳани ривожлантиришда унинг қонунийлик базасини янада такомиллаштириш талаб этилади. 2000 йил 25 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини қўллаш тўғрисида"ги Қонуни бевоқиф тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солишчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Хусусан, ушбу Қонунда оилавий тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақоми ўз ифодасини топган.

рағбатлантиришда асосий қонуности ҳужжатлардан биридир. Мазкур Фармонга мувофиқ ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда янги иш ўринларини очиб, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш ҳамда ёш оилаларга ўз бизнесини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг меҳнат билан бандлиги ва даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги "Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳуқуқий ислохотларининг мантикий давоми бўлди.

Мазкур қарорга илова қилинган "Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тарти-

би тўғрисида"ги Низом бевоқиф республикада оилавий тадбиркорликнинг ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибини белгиловчи махсус ҳуқуқий ҳужжатдир. Ушбу, Низомда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик тушунчаларига аниқ ҳуқуқий тавсиф берилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйишда унинг ҳуқуқий асосларини замон талабларига мослаштириш ва халқаро ҳуқуқ тажрибасини ҳисобга олиш, мазкур соҳага оид махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллашувига ёрдам беради ва шу орқали келажақда иқтисодий таъминнинг асосий таянчларидан бири бўлган оилавий тадбиркорликнинг махсус қонунийлик базаси тўлиқ шакллантирилади.

Азизбек ХУЖНАЗАРОВ, ТДЮИ талабаси


АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, Бош прокуратура, Монополиялар чикориши ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари, айниқса, кичик бизнес субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларига йўл қўймаслигини таъминлаш юзасидан 2009 йил 26 февралда тасдиқланган тадбирлар режасига асосан Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ЖУМЛАДАН, 2010 йил давомида назорат қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўтказилган текширишлар таҳлилий ўрганиб чиқилди. Бунинг натижасида 10 та шаҳар ва туманда қисқа муддатли текширишлар сони ортганлиги аниқланиб, мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли ҳокимликларга кўрсатма киритилди. Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан қабул қилинаётган қарорларни

асосли деб топилиб, қонуний ечимини топти, 59 тасига ҳуқуқий тушунириш берилиб, 6 таси тааллуқлиги бўйича тегишли идораларга юборилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари

Асоссиз аралашувларга йўл қўйилмайди



таҳлилий ўрганиш жараёнида 44 та ҳолатда нотўғри қабул қилинган қарорларни бекор қилиш юзасидан тақдимнома ва даъво аризалари киритилиб, келгусида бу каби ноқонуний ишларнинг олдини олиш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимлари номига 21 та оғоҳнома тақдим этилди. Утган йил давомида бошқарманинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига тадбиркорлик субъектларидан 101 та ариза ва шикоят келиб тушди, улардан 94 таси ўрганиб чиқилди, 35 таси тўлиқ

тадбиркорларга янада қулайлиқ яратмоқда. "Ишонч телефони"га тадбиркорлардан 40 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, ҳуқуқла-

тегишли тартибда шартнома тузмасдан, сувдан фойдаланиб келаётганлиги учун А.Умрияевага "Ўзсувназорат" инспекцияси вилоят бўлими инспектори С.Пайзиев томонидан 216.075 сўм миқдорда маъмурий жарима

қўлланган. Бу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси МЖТК талаблари бузилиб, тушунтириш хатлари олинмаганлиги, қарор нусхаси ҳуқуқбузарга топширилмаганлиги, белгиланганидан кўп миқдорда жарима қўлланганлиги аниқланиб, "Ўзсувназорат" инспекцияси вилоят бўлимига киритилган тақдимномага асосан маъмурий жарима бекор қилинди ва С.Пайзиевга

нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланди.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳар ойда камида бир марта тадбиркорлик субъектлари учун "Очиқ эшиклар кунин"

ташкил этилмоқда. Шу кунини ташриф буюрган тадбиркорлик субъектларининг муаммолари бошқарма ходимлари иштирокида муҳокама қилиниб, уларга амалий кўмак бериш тартиби жорий этилган. Хусусан, жорий йилнинг январь, февраль ойлари давомида вилоятнинг туман ва шаҳарларида 11 марта ба "Очиқ эшиклар кунин" тадбирлари ўтказилди. Тадбиркорлар фаоли-

Иброҳим ХАТАМОВ, Тошкент вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Тадбир

Мустақиллик — менинг тақдиримда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Хоразм вилоятининг Шовот ва Қўшқўпир туманларининг чекка ҳудудларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Эликкаль ва Беруний туманларида "Мустақиллик — менинг тақдиримда" мавзусида тадбирлар ўтказилди.

ТАДБИР давомида Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўша мажлисида эълон қилинган Концепцияда белгиланган олти устувор йўналиш, яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунийлигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби йўналишларнинг мазмун-моҳияти ва бу борада қабул қилинаётган ҳуқуқий асослар аҳамияти мутахассислар томонидан оддий, халқ-қил тилда баён этилди.

ёриланган махсус тақдимот ёшларда катта таассурот қолдириб, уларнинг Концепция борасидаги билимларининг янада мустаҳкамланишига асос бўлди.

Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февраль кунини тасдиқлаган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ҳамда унинг асосида қабул қилинган Давлат дастури моҳияти юзасидан тушунтиришлар берилди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар орасидан "Хуқуқ билимдонлари" аниқланиб, уларга Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тарғибот гуруҳининг ушбу йўналишдаги наватбадга тадбирлари Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг чекка туманларида ўтказилиши таъкидланди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Фарида ҚОРАКУЛОВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

Оила ва жамият

Қонуний никоҳ билан қурилмаган оила қум устидаги иморат

ФАРЗАНДЛАР камолга етгунга қадар ота-она уни тарбиялаши, зарурий эҳтиёжларини қондириши, шунингдек, фарзандларини касб-ҳунарли қилиши, оила қуриши учун кўмаклашиши халқимизга хос қадриятлардан бири саналади.



БАЪЗИ ҳолларда ота-оналар фарзандлари оила қураётганда шаръий никоҳ билангина чегараланиб қолишмоқда. Оила кодексига биноан никоҳ фақат фуқаролик ҳолатлари доирасида қилиниши мумкин. Шунинг билан ушбу ҳужжат никоҳланувчи ҳар иккала шахсга келажак ҳаёт учун жуда муҳим ҳисобланган қонуний оналик ва оталик мажбуриятларини юклайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан оила қурмоқчи бўлган ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтганларидан кейингина ФХДБ бўлими томонидан никоҳлари қайд этилади. Шундан сўнггина шаръий

никоҳ ўқитишлари учун диний муассасаларга мурожаат этишлари тавсия қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу меъёрларга барча ҳам бирдек риоя этмапти.

Қонуний никоҳ билан қурилмаган оилани пойдевори йўқ бинога қўйслаш мумкин. Кўп ҳолатларда, оталик белгиланган масаласида фуқаролик ҳолати доирасида фуқаролик судига мурожаат қилган оила вакилларининг аксарияти фақат шаръий йўл билан никоҳ қурганлар бўлиб чиқмоқда.

Инсон ўз жуфтини танлашда унинг ижтимоий ҳаёти, руҳий ва маънавий қарашлари муҳим ўрин тутди.

Юртовчимиз таъбири би-

лан айтганда, "Маънавият инсонга она сунти, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади". Фарзандларимиз соғлом оилада туғилиши ва ўз оналарини бағрида камол топишлари учун барчамиз ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни мукамал билишимиз ва мавжуд қонунларга амал қилмоғимиз лозим. Чунки намунали оилада ўсиб-ўлғайган, камолга етган фарзанд келгусида Ватан учун, жамият учун муносиб хизмат қилади. Шу мақсадда, мамлакатимизда фаолият юритаётган ФХДБ бўлими томонидан қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Биргина Шеробод тумани ФХДБ бўлими мисолида сўз юритаётган бўлса, 2011 йилнинг биринчи чораги якунига "Оила — давлат ҳимоясида", "Тиббий кўрикнинг аҳамияти", "Ёш оила қурувчилар мактаби" сингари тадбирлар ўтказилди. Истагимиз, барча оилалар тинч-товуз, бахтли-саодатли ва мустаҳкам бўлсин.

Хурсаной ЖўРАКУЛОВА, Шеробод тумани ФХДБ бўлими мудир

Буюклар авлодимиз

КўПГИНА ОЛИЙ ўқув юртлири ва касб-ҳунар коллежларида буюк саркарда ва давлат арбоби, бобоқалонимиз Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказилмапти.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИГА қарашли Тошкент юридик коллежида ўтказилган анжуманда бир қатор академиклар, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, Амир Темур сиймосини яратган ва ижро этган актёрлар ҳамда драматург-

лар, мазкур коллеж ўқувчи ва ўқувчилари қатнашди.

"Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг инсоният тарихида тугган ўрни" деб номланган мазкур тадбирда Амир Темурнинг ҳаёти, марказлашган буюк давлат бар-


по этишдаги роли, унинг Ватанимиз ва инсоният тараққиёти учун қилган тарихий хизматлари, истиқлол йилларида Соҳибқирон бобомиз номининг улғунлиги ҳақида батафсил сўз юритилди.

Қизгин мулоқот тарзида ўтган анжуман ёшларнинг Амир Темур сиймоси ҳақидаги билимларини янада кенгайтди.

Сардор ХАМРОЕВ

Назорат

Асоссиз аралашувларга йўл қўйилмайди



ри тикланди. Уларни қизиқтирган турли масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Масалан, Паркент туманидаги "Умрия ҳўжа ота" фермер ҳўжалиги раҳбарининг ноқонуний маъмурий жазо қўлланганидан норози бўлиб "Ишонч телефони"га қилинган мурожаати ўрганиб чиқилди. Фермер ҳўжалиги Заркент СФУ билан

қўлланган. Бу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси МЖТК талаблари бузилиб, тушунтириш хатлари олинмаганлиги, қарор нусхаси ҳуқуқбузарга топширилмаганлиги, белгиланганидан кўп миқдорда жарима қўлланганлиги аниқланиб, "Ўзсувназорат" инспекцияси вилоят бўлимига киритилган тақдимномага асосан маъмурий жарима бекор қилинди ва С.Пайзиевга

ташкил этилмоқда. Шу кунини ташриф буюрган тадбиркорлик субъектларининг муаммолари бошқарма ходимлари иштирокида муҳокама қилиниб, уларга амалий кўмак бериш тартиби жорий этилган. Хусусан, жорий йилнинг январь, февраль ойлари давомида вилоятнинг туман ва шаҳарларида 11 марта ба "Очиқ эшиклар кунин" тадбирлари ўтказилди. Тадбиркорлар фаоли-

